

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МЕХНАТ ВАХТАСИДА



ЛЮБОВЬ ПОКИДЬКО Волгоград шаҳридан тошкентликларга ерданга келган. Бу моҳир гишт терувчи қулик тошқини мунтазам 170 процентдан ошириб бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Суратда: Л. Покидько.

И. Глауберзон фотоси.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

★ **ОҚЎРҒОН.** Ленин ордени «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Ридван Даллатов бекчилик участкаси деҳқонлари 180 гектар ердаги тўрт марта комплекс ишлов бериб, уч марта сугоришди.

Ўтган йили улар ҳар гектар ердан пландаги 29,2 центнер ўғитга 35,6 центнердан ҳосил қўтаришган бўлса, юбилей йилида тайёрлаётган қўшқиб ишлаб, ҳосилдорлигини 36 центнерга етказиш учун шу кунларда тўзгага ишлов беришни қизғин давом эттиришди.

Б. НУДШОВ.

★ **БЕКОВД.** Ленин номи колхозининг биринчи участкасида 464 гектар ердаги тўзгалар барқ уриб ўсмоқда. Хар туп тўзгада 9—10 тадан қўсақ ва қўлаб гул бор. Участканинг ҳар бир азоси ана шу гул ва қўсақларни тўла сақлаб қолиш учун айни ҳосилга-ҳосил қўшқиб қўлабдан шу давларда тўзга парварини сувайтирмай қизғин олиб боришмоқда. Сувчилардан Қ. Ҳамроев ва С. Ҳамроев ўртоқлар тўзгани сугоришда бошқаларга намуна бўлишмоқда.

А. ҲАМДАМОВ.

★ **БҲКА «Тахтача»** усули бу йил «Бўна» совхозини ишчилари ўртасида социалистик муносабат қилишда муҳим омили бўлмоқда. 3-бўлим пахтазорлари релсдор жикатилган анча ноқулай бўлиб, баландликлардан иборат. Шундай бўлишига қарамай, бу бўлим ишчилари 540 гектар пахта майдонидан пландаги 23 центнер ўғитга юбилей йилида 26 центнердан хирмон қўтариш учун ҳаракат қилишмоқда.

Э. САЙДАРИМОВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ШОДИЁНА

НУКУС, 18 август. (ЎзТАГ). Ўзбекистоннинг иқтисодий коллективлари яқинда Москвада, Белорусияда ва Туркманистонда ўз маҳоратларини намоён қилганларидан кейин бугун Қорақалпоғистонга келишди. Бу ерда Ўзбекистон адабиёти ва санъати ҳафталиги бошланмоқда. Ҳафталик очилган кечини унинг қатнашчилари Қорақалпоғистон шаҳар ва қишлоқларига жўнаб кетдилар. Ўзбекистон, шоирлар, композиторлар, артистлар оловқорлар ва Ўзбекистон темир йўли қурувчилари билан, Орол балиқчилари, Қизилқум чўпонлари билан учрашдилар.

ХУЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ, БРИГАДА БОШЛИКЛАРИ, БИЗ СИЗЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛАМИЗ: КЕЛИНГ, ПАХТАСИ МАШИНАДА ТЕРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲАР БИР УЧАСТКАНИ ТАҒИН БИР МАРТА ҚЎЗДАН КЕЧИРАЙЛИК, ҲОСИЛНИНГ ЭРТА ЕТИЛИШИ ВА МУЛ БЎЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ БАРЧА ИШЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАШ МАҚСАДИДА АВГУСТДА ҚЎШИМЧА АГРОТЕХНИКА ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК.

БЕГАНА УТ—МАШИНА ТЕРИМИНИНГ АШАДДИЙ ДУШМАНИ. ЙИГИМ-ТЕРИМ ИШЛАРИНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎЛИДАГИ ЖИДДИЙ ХАВФ ВА ТУҒОНОҚДИР. КЕЛИНГ, ДАЛАЛАРДАГИ УТЛАРНИ БИТТА ҚОЛДИРМАЙ ЮЛИБ ТАШЛАЙЛИК.

(Республиканинг илғор механик ҳайдовчилари Мурожаатидан).

МАШИНА ТЕРИМИНИ ҚЎЗЛАБ

1967 йил — юбилей йили. Мардлар майдонда синаладиган йил. Ҳар бир касб эгаси йил бошида ўз ички имкониятларини ҳисобга олиб мажбурий қабул қилган. Ҳозир шу мажбурий қабул қилинган даражада юқори ҳосил етиштириш учун жовобдорлик қўрсатиб меҳнат қилиш, ўз жазирасига бардош бериб экинни парвартириш. Ҳа, қўзга бориб тўрош қўрилган пайлада юқори ҳосил қўрсатиш деган қолғончи меҳнатдор ҳосилнинг тақдирини ҳал қилинаётган шу кунларда бир гайратта ўн гайрат қўшиб ишлайди.

Бизнинг ҳам юбилей йили мажбурий қабул бор. Кенг пахта майдонларининг ҳар гектаридан қандайдир 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришимиз. Сўз бердикми — устидан чиққани, мажбурий қабул қилишимиз — баъзари! Колхозчиларимизнинг ақл-парасини шундай. Учаскалар, эвеполар бўлишга ҳам мажбурий қабул қилинган. Меҳанизатордан тортиб сугориувчиларга, сувчилардан тортиб телекучи-гача — қўнғинчи, ҳар ким ҳолқудрат мажбурий қабул олган. Аммо шунинг ичидан меҳанизаторларимизнинг мажбурий қабул — мана мени деб яққол қўзга ташланади.

— 80 процент майдондаги ҳосилни «зангори кема»ларда териб беришимиз, пахта йигим-теримини 20—25 иш кунинда тамомлаймиз, ялпи ҳосилнинг қандайдир 95 процентини биринчи сортга топирашимиз, ҳар центнер пахта таянчларини ўтган йилдаги нисбатан 25 процент қаматиришимиз.

Бу — ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик намуналаридир. Ҳақиқатда «хўва» деган билан оғиз чўчилайди деган нақл бор. Шунга ўхшаш 80 процент майдондаги пахта машиналарда терилган деган билан иш битмайди, албатта. Шунга яраша таралув, техника воситаси, машиналарни бошқаришдаги меҳанизатор кадрлар, айниқса мажбурий қабул қилишга етказган ҳосил бўлиши керак. Ана ҳолда олинган мажбурий қабул раб бўлиб қолиши мумкин. Биз ўзаро масалаҳатлашиб, ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқдик. Гектар тўзга, ҳар гектар ерда 95—100 минг туп қўшқиб бор. Ҳосилнинг ўғин қанчалик эмас — ҳозирдаёқ ҳар туп тўзгада ўртача ўнтагача бўлиб қўсақ етиштирилади.

Ҳўжалигимизда 31 терим машинаси, 35 телекуча бор. Уларнинг асосий қисми капитал ва жорий ремондан чиқарилиб мавсумга шайлаб қўйилди, қолган қисми эвоги билан бир ҳафтада тайёр бўлади. Терим машиналарини икки сменада ишлатишга етарли меҳанизатор кадрларга эгамиз. Намунали устасхонамиз бор, меҳанизаторларга дала бошида техника хизмати қўрсатиш учун қўшма устасхоналар ташкил қилинди.

Машина теримини планини сўзсиз бажариш учун шу тадбирларнинг ўзига ийфон қилмайди, албатта.

ҚАДИМИЙ

САМАРҚАНД. (ЎзТАГ). Ҳиндистон маданияти декадасининг бошқа қатнашчилари билан биргаликда Ўзбекистон бўйлаб сафар қилаётган мад-раслик 63 яптар театр арбоби Бидула Гандар—Сихардан самарқандликлар билан учрашган вақтда «сизнинг қадимий шаҳрингизда мен ўзини новқирон деб ҳис этайман» деди.

Ҳиндистон вакиллари яқинда ўзининг 2500 йиллигини нишонлайдиган бу шаҳарда ўрта аср меъморчилигини, бутун жаҳонга машҳур ёдгорликлар билан бир қаторда янги уй-жой мас-сивларига, қорақўлчилик институтини, санъат норхоналарини қўздан кечирдилар. Меҳмонларнинг, Самарқандда ишма учун бу қадар ёшлар кўп, деган саволига бу ерда — ҳар минг кишига 160 студент тўғри келади, университетдан ташқари шаҳарда 42 профилида мутахассис тайёрлаб чиқарувчи 6 та олий ўқув юрти ва 17 та техникум бор, деб жавоб берди-лар.

ШАҲАРДА

Чой қадокдан фабрикасининг ишчилари ҳинд ўстирари самимий табриқладилар. Ҳиндистоннинг миллий байрами — мустақиллик эълон қилинган кунининг 20 йиллигини муносабати билан биддирчилик қўлловлар учун миждорчилик сўфатида ўз қўлини ва рақслари билан меҳмонлар томошабинларини ҳурсанд қилдилар.

Опера ва балет театрида дўст мамлакат вакиллари Самарқанд жамоатчилиги вакиллари билан учрашдилар. Ўст-лик кечаси зўр концерт билан тугади.

ХАЛҚАРО ЯРМАРКАГА

Ўзбекистон ССР ҳукумат делегацияси Измирдаги халқаро ярмарка очилиши муносабати билан бўладиган тантаналарда қатнашмоқ учун Тошкентдан Измирга (Туркия) жўнаб кетди. Делегация республика Министрлар Совети Равсининг ўринбосари, Госплан

рваси С. Зиедуллаев бошчилигида. Делегация составида чет мамлакатлар билан ўст-лик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамятини президиумининг аъзоси Р. К. Шонъев ва Самарқанд район иж-рои комитетининг раиси А. Ол-тинбоевлар бор.

Биз шундай шор қўйдик. Бега на ўт гузанингини амас, балки машинанинг ҳам душмани. Бунинг кўп йиллик деҳқончилик тажрибасида синаб кўрдик. Бега на ўт пайдо бўлган майдонда машина унумли ишламайди, пахтанинг сорти бузилади. Пахтазорларимизда бега на ўт бутунилай тугатилди. Ўзидини ваъфа унинг пайдо бўлишига йўл қўймаслигини — иборат. Шу мақсадда тўзга парварини қизғин давом эттиришимиз. Ма-жуд универсал тракторларнинг ҳаммаси ишлайти, колхозчилар тўзга сугорилади, бега на ўт пайдо бўлишига йўл қўймаслик чораларини қўрилади. Мавсумда 97—98 процент майдондаги ҳосилни «зангори кема»ларда теришга аҳд қилган Саодат Турдалиева, Раҳим Муродов, Муртоза Аҳмедовлар бошлиқ участкаларда тўзгалар ай-ниқса серҳосил бўлиб қолди, ҳар туп тўзгада 12—13 бўлиб қўсақ етилади.

Бироқ, шу кунларда ҳосилнинг тақдирини ҳал қилинаётганини унутмаслигимиз керак. Тўзга бир кун ёки бир цикл парварилдан қўсақ ҳосил нишонларини тўғиб юбори-лиш мумкин. Парварини қўшайтириб боришга эса ҳосил ёнига ҳосил қўйилади. Биз ҳар йил тўзга парварини август ойининг охирига-ҳамма давом эттиришимиз. Натижада кўп ҳосил бўлилади, мавсуд ҳосил нишонларини тўзга сақлаб қоли-нади, давлат пахта тайёрлаш пла-ни муҳаддидан олдин бажарилади. Юбилей йилида ҳам парварини август ойининг охиригача қизғин давом эттиришга қарор қилдик. Қам ҳосилни ҳисоблаган 130 гек-тар майдондаги тўзгаларни 10 сен-табргагача парвариллашимиз.

Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети ва Республика Министрлар Советининг пахта йи-гим-теримига тайёргарлик кўриш ва уни уюшқонлик билан ўтказиш тўғрисидаги қарорини ва республи-каликларнинг Мурожаатини колхозчи-ларимиз зўр қизиқин билан ўқиб чиқдилар. Биз шунга асосланиб бир қатор тадбирлар белгиладик.

Ҳосили машинада териладиган майдонлар яна бир қарра тўздан кечириб чиқилди, карта бошита «бу ернинг ҳосили машинада тери-лади» деган ёзуви тахтача қошиб қўйилди. Биз карталарини йил бо-шидаёқ меҳанизаторларга доимий қилиб беришни қўйганмиз. Улар мавсум охиригача қўшқиб қўйишга эҳтиёт бўлишга жавоб беради. Шун-га қарамай яна бир бор қайси пай-кал кимга беришганини уларнинг едига солиб қўйдик. Қамҳо-синли пайқалларни қўрсатиб пар-варини қўшайтириш зарурлигини ўқтирдик. Ҳар бир меҳанизатор август ойида яна 70—80 гектар майдонда култивация ўтказиш учун кураш бошлади.

14 ИЛ ЧИКИШИ

№ 163 (3645).

19

АВГУСТ

ШАНБА

1967 йил

Баҳоси 2 тийин.

Бекобод районидagi Навоий номи колхозининг меҳанизаторлари республикамиз илғор меҳаник ҳайдовчиларининг Мурожаатини қизғин маъқуллаб, ўтган йилга нисбатан анча кўп пахтани маши-нада териб бериш мажбурийатини олишди. Звено бошлиғи коммунист Д. Тўраев ҳам Мурожаатдан руҳланиб, «зангори кема» бўлиб ридан юз тонна пахта тўқишга сўз берди. Суратда: ўртоқ Д. Тўраев. А. Мальцев фотоси.

ИЛҲИЧГА ХАЙКАЛ

Оржоникидзе районининг маркази — Қибрайга эрталабдан оқ узоқ-яқиндан илғор пахта усталари, сабзавоткорлар, чорвадорлар, соҳибкорлар, хуллас турли касб эгалари келаёшмоқда. Сават учлар-дан бошлаб қарнай, сурнайларнинг овози узоқ-узоқларга таралиб тантанадан дарак беради.

Қибрай посёлкаси қўрам ва обод жойлардан бири. Бу ер кундан-кунга чирок очиб гузаллашиб бормоқда. Мана бугун яна ўзи-нинг бир салобатли ўмрбод эсдалик ҳайкалига эга бўлади. Киши-лар ана шу тантаналарга тўпланишмоқда.

Сават 5 да аълоин пионерлардан бир гуруппаси Ленин ҳайкали ёни-га келиб фаврий қоровулда турнашди. Ўғил-поёндошлар тўшланган йўлларда қўлларда гулдасталар кўтарган пионерлар саф торти-шди.

Митинг бошланди. Улуғ Лениннинг номи планетамизнинг энг олис бурчлариди-ҳам, барча мамлакатлардаги оддий кишиларга яқин ва муътабардир. Унинг номи доимо барҳай, унинг ўлмас идеялари доимо бизнинг қўлимизда мустаҳкам қўрал ва бизга йўл қўрсатувчи йўлчи юл-дузидир.

Тантанали митингнинг очган Оржоникидзе район партия ис-митетининг биринчи секретари ўртоқ Н. ҚИРҒИЗОВЕВ улуғ доҳий ва буюк сиёмо В. И. Лениннинг доно фикр ва қўрсатмалари соҳибқадамлик билан амалга оширилиб келинаётганини тўғилган мамлакатимиз тобора гуллаб-яшнаётганини тўғилганини гапирди. — Шонли партиямиз ва халқимиз бирон вазифини амалга оши-рар экан, доимо доҳимиз В. И. Лениндан ўрганади, унинг маслаҳат-тидан таълим олади, унинг қўлини ҳаётига бир назар ташлаб, у-ндай йўл-йўриқлар олади, — деди у. — Бугун биз ана шу тантанали кунда оташин революцион шоир Владимир Маяковскийнинг «Ленин ҳақида» тўғилган кунини, бизнинг байроғимиз, қўдратимиз ва қўрелимиз — деган сўзларини фавр билан тақдорлаймиз.

Орнестр Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнлари-ни ижро этади. Ҳайкал устидаги мато очилди. Лениннинг салобат-ли, қадрдон сиёмоси кўз элдимизда намоён бўлади.

Биринчи сўз 1917 йилдан бери Ленин партиясининг аъзоси, кекса болъшевик, В. И. Ленин номи колхоз аъзоси Олим РАҲИМОВга берилди.

Шундан сўнг «Қизил Ўзбекистон» колхоз партия ташкилотининг секретари Абдулла СОАТОВ ва 14-август пионерлари номидан О. Мирзаахмедов ва Г. Золотик, уста пахтанор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони «Провод» колхозининг участка бошлиғи Тўхта Абдуллаев ва ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Фанлар академияси ядро физикаси институтини атом реакторининг шарий инжениери Ҳафиза Яхёева эса ўз сўзидан район территориясидида илмий-тежириниш институтлари коллективлар-ининг ишларига тўхтади. У, Ленин Декрети билан Ўрта Осиёда 1920 йилда ташкил қилинган биринчи университетининг босиб ўтган шонли йўли ҳақида, ҳозир биргина район территориясидида 11 та илмий тежириниш институтини мажбурийлик, уларда Ленин идеялари-ни амалга ошириш йўлида қилинаётган ишлар ҳақида гапирди.

«Қибрай» совхоз коллективини номдод бўлиб бошлиғи Тоир Ва-лишев ҳам митингга сўзга чиқди.

Шу билан митинг ёпиқ деб эълон қилинди. Яна Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнлари садолари янгради.

Тантанали йиғилишда область партия комитетининг иккинчи сек-ретари ўртоқ А. С. ПОНОМАРЕВ қатнашди.

А. МИРЗААХМЕДОВ.

Жўра ОЧИЛОВ.
Янгиёул районидида «Қизил
Октябрь» колхозининг раиси.

ҲИНДИСТОН ТАРОНАЛАРИ

Дўст мамлакатининг санъат усталари Москвага Ҳиндистон тароналарини келтиришди. 16 августда меҳмонлар «Эрми-таж» боғининг эстрада театри-да концерт беришди. Ўз халқи-нинг жоибодор ва беқиёс санъ-атини намоён қилган талаят-ли икромчиларга кўп соғли то-мошабинлар қарсақлар чалиб тахсин айтишди.

Москваликлар машҳур кино артистлардан Наргис, Раж Ка-пур, Сунил Даттларини сам-имий табриқладилар.

Еш раққосалардан она-син-гид Кришнамуртилар, «Қат-хак» услубидидаги халқ рақса-

рининг ижроқиси Гоип Криш-на, Билсильло Ҳаар раҳбарли-гидида халқ чолгу асбоблари ансамбли москваликларини ўз ижодлари билан таништири-лар.

Зўр муваффақият билан ўт-ган концертда СССР Олий Со-вети Президиуми раисининг ўринбосари К. Ф. Ильиченко, СССР Маданият министрлиги ўринбосари Г. И. Владимир, атоқли совет артистлари ҳозир бўйдилар. Ҳиндистоннинг Со-вет Иттифоқидидаги элчиси Ке-вал Сингх ва элчихованинг дипломатик ходимлари ҳам за-лада ўтиришди.

(ТАСС муҳбири).



Суратда: доҳий В. И. Ленин га ўриятилган ҳайкалининг очи-лиш пайти.

А. Абали фотоси.

